Ушбу сонда:
2 — *Нуқтаи назар* МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ у қандай ўтади?
3 — ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК
4 — НАЖМИДДИН ПОЛВОН НАБИРАЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 22 июн, сешанба № 100 (1733)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МАКТАБЛАРГА ЯНГИ ЖИҲОЗЛАР

Пойтахтимиздаги «Ўзкўргазмасавдо» марказида мактаблар учун маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган мебел, лаборатория жиҳозлари ва бошқа ўқув қуроллари кўргазма-танлови очилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни жиҳозлаш бўйича орттирилган тажриба асосида мактаблар учун парта, мебел ва бошқа ўқув ускуналари танлови эълон қилиш ва кўргазмасини ташкил этиш зарурлиги таъкидланган.

Мазкур вазифани бажариш борасида Иқтисодиёт ва Халқ таълими вазирликлари ҳамкорликда иш олиб боряпти. Кўргазмага ўттиздан ортиқ корхонада ишлаб чиқарилган ўқув ҳамда лаборатория жиҳозлари, стол-стул, парта, синф доскаси, спорт анжомлари, компьютер жиҳозлари ва бошқа мебеллар қўйилган.

30 июнгача давом этадиган мазкур тадбирда маҳсулотларнинг стандарт талаблари, таълим муассасаларида фойдаланиш борасида белгиланган меъёрларга жавоб беришни чуқур ўрганиш мақсадида тажрибали мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилади

**(ЎзА)**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ - ДАВР ТАЛАБИ

***21 июн куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг ижросига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.***

***Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.***

Мамлакатимиз раҳбари ушбу Фармон хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат қурилишига оид вазифаларни бажаришдаги ўрнини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни бутунлай янги босқичга - юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар талаби даражасига кўтариш чора-тадбирларини жорий этиш мақсадида қабул қилинганини қайд этди.

Йиғилишда Фармонни бажаришда қандай мақсадлар илгари сурилаётгани, нималарга эътибор бериш зарурлиги, бу борадаги ўзгаришларни татбиқ этишга ҳалал берадиган, эски тузумдан мерос иллатлардан халос бўлиш йўллари хусусида сўз борди.

Ислом Каримов Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ишини танқидий таҳлил этиб, ушбу тузилма фаолиятининг энг муҳим вазифа ва йўналишлари хусусида атрофлича тўхталди.

- Хотин-қизлар қўмитаси ўзида аввало жамоатчилик ташаббусини мужассам этадиган, биз қураётган фуқаролик жамиятининг муҳим институти, узвий бўғини ҳисобланадиган тузилмадир, - деди Юртбошимиз. - Давлат ушбу жамоатчилик ташкилотини моддий қўллаб-қувватлашга, кўмаклашишга тайёр. Лекин ташаббус, фаолият, замон талаблари даражасида ишчанлик қуйидан - шу ташкилот фаолларидан чиқиши керак.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Олий суд раиси Ф.Муҳитдинова, ички ишлар вазири З.Алматов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси А.Гадойбоев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев ва бошқалар сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

*Ёзги соғломлаштириш—юксак масъулият*

***Жисмонан ва руҳан соғлом, бақувват, маънан баркамол авлодни тарбиялаш ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Хусусан, соғлом авлодни камол топтиришда фарзандларимизнинг ёзги соғломлаштириш мавсуми даври ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки ёзги мавсум бошланиши билан болажонларимиз таътилни кўнгилдагидек ўтказишни истайдилар.***

# ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ

## алоҳида меҳрибонлик оғушида



Энг сўлим ва баҳаво ҳудудларда жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида азиз фарзандларимизни дам олдириш ва соғломлаштириш йўлида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бор имкониятларни ишга солмоқда.

Бугунги кунда республикамизда беш турдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Улар – шаҳардан ташқаридаги, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, санаторий типидаги спорт-соғломлаштириш, мактаблар қошидаги кундузги ва меҳнат-дам олиш оромгоҳларидир. Бугунги кунда республикамизда мавжуд барча болалар соғломлаштириш оромгоҳлари биринчи навбат учун болажонларни ўз бағрига олди.

Касаба уюшмалари Меҳр ва мурувват йилида болажонларга ҳар йилгидан ҳам кўпроқ ғамхўрлик. меҳр кўрсатишни мақсад қилган. Хусусан, кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилаларнинг фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида имтиёзли ҳордиқ чиқаришларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш зарурки, жорий йилда ҳам 3 минг нафар Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятидаги ўғил-қизлар Тошкент шаҳри ва вилояти, Андижон, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги энг хушманзара ва сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқарадилар. Айни кунда оролбўйилик болаларнинг 610 нафари соғломлаштирилмоқда. Уларнинг 450 нафари яъни қорақалпоғистонлик ўғил-қизлар куни кеча Тошкентда кутиб олиндилар. Темирйўл вокзалига келиб тушган болажонларнинг қувончи ичига сиғмайди. Қорақалпоғистонликларни қарши олгани Бўстонлиқ туманининг энг хушманзара масканларида жойлашган «Нурафшон», «Зилола», «Ёш куч», «Қуёшли», Ўрта Чирчиқ туманидаги «Тошкент денгизи» яқинида жойлашган «Меҳржон» болалар соғломлаштириш масканлари вакиллари келдилар. Ўғил-қизлар автобусларга ўтқазилиб, шифокор ва ДАН ходимлари назоратида дам олиш масканлари томон йўл олдилар.

Йўлга тушиш олдидан болакайлар ўз хурсандчиликлари билан ўртоқлашдилар

– Поездда ҳамма ёқни томоша қилиб келдик, - дея сўз бошлади Беруний туманидаги 4-ўрта мактаб ўқувчиси Қутлимурот Йўлдошев. – Мен бугун жуда ҳам хурсандман. Чунки энг яхши дам олиш масканида ҳордиқ чиқаришга келдим. Ўтган йили ҳам бепул дам олган эдим. Бу йил ҳам ўша гўзал табиат манзараларини, пурвиқор тоғ ёнбағирларини кўришдан, зилол булоқ сувини мириқиб ичиш лаззатидан, дўстларим билан дийдорлашишдан мамнунман.

– Биз дам оладиган «Зилола» оромгоҳининг ошпазлари қўли жуда ҳам ширин, кутубхона эса ажойиб китобларга бой, - дейди Тўрткўл туманилик 5-синф ўқувчиси Чинор Байрамова. – Бизга у ерда ташкил этиладиган спорт мусобақалари, қизиқарли учрашувлар, маънавият сабоқлари жуда ёқади. Айниқса, эстрада саҳнасида бўлиб ўтадиган мусиқий тадбирларда мазза қиламиз.

– Дарҳақиқат, бизни жуда меҳрибонлик ва ширин сўз билан қарши олдилар, - суҳбатни давом эттирди Хўжайли туманидан келган болалар тарбиячиси Гулойим Оллоёрова. – Хўжайлидан 90 нафар болажон бугун энг яхши оромгоҳлар томон йўл олмоқдалар. Касбим тақозоси билан ўтган йили ҳам болакайларга Тошкент вилоятидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида тарбиячи бўлган эдим. Мана шу 18 кунлик ҳордиқ болажонлар учун кўп нарса беради. Улар нафақат жисмонан соғломлаштириладилар, балки дунёқарашлари кенгайиб, маънан юксаладилар, билимларига билим қўшилади. Айниқса, шоир ва ёзувчилар билан ўтадиган учрашувлар, турли тўгараклар фаолияти, маънавият ва маърифат хонасида ўтказиладиган тадбир, давра суҳбатларининг аҳамияти каттадир. Булардан ташқари, болаларнинг келиб-кетишига йўлланма бепул. Йўл учун болаларга маъданли сув, ширинликлар берилган.



**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби**

*Корхонам — фахрим*

# ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГЛАРИ

***Қандай корхона бўлишидан қатъий назар у ўзининг анъаналарига эга. Биз қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлган «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик бирлашмаси ҳам бундан мустасно эмас. Унинг кўп минг кишилик жамоаси яқинда ўзининг ташкил топган кунининг 60 йиллигини кенг нишонлади. Шунингдек, бугунги кунда «Ўзметкомбинат» янги бир тарихий шароитда ривожланиб бормоқда. Мустақиллик йиллари корхона ишчи-хизматчилари учун янгиланиш, юксалиш ҳамда тараққиёт даври бўлди. Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг, комбинат ўз тарихида биринчи марта иқтисодий масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, янгиланиш даври жамоа маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитасидан, шу жумладан, жамоанинг ҳар бир аъзосидан иқтисодий-ижтимоий масалаларга замон талаблари асосида ёндошишни тақозо этмоқда. Шу боисдан ҳам металлурглар жамоаси келажакка катта ишонч билан қарашмоқда.***

* * *

1942 йилнинг кузида Марказий Осиёда тўнғич қора металлургия саноати бўлган корхонани Бекободда, Муғол тоғи тизмалари ёнида, азим Сирдарё бўйида бунёд этишга киришилди. Унинг қурилишига Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ҳамда Фарғона вилоятларидан ёшлар жалб этилди. 1943 йилнинг январ ойига келиб, бу улкан қурилиш майдонида 2816 нафар киши меҳнат қила бошлади.

Ўша даврда қурувчилар ихтиёрида 2 та эски экскаватор, 5 та бетонқорғич бор эди, холос. Энг оғир ишлар асосан қўлда бажариларди. Мартен цехининг тамал тоши эса 1943 йил 3 февралда қўйилди. Ўша вақтда қурувчилар ертўла ва чодирларда яшашарди. 12-16 соатлаб меҳнат қилиш одатий тус олган эди. Бу қийинчиликларга қарамасдан фидокорона меҳнат ғалаба қозонди. 1994 йилнинг март ойида дастлабки маҳсулот берилди. Бугунги кунда ўша дамларни яъни, биринчи ўзбек пўлати олинган унутилмас дақиқаларни унинг иштирокчилари ёшларга ҳаяжон ила сўзлаб беришади.

1950 йилга келиб корхона иши анча жонланди. Республикамиз металлургия саноатида ўзининг илғор тажрибалари, матонатли меҳнатлари билан эл оғзига тушишди. Ҳафиз Ғаниев, Алексей Штиров, Ахтем Желилов, Банноб Мирзаматов, Шерали Ҳамроқуловлар пўлатни тезкор эритиш ҳамда қуйиш усталари бўлиб етишдилар. Ишлаб чиқаришда янги меҳнат муваффақиятларига эришила бошланди. Ахтем Желилов 5 соату 10 дақиқада пўлат эритмасини тайёрлаб, рекорд натижага эришди. Сайдулла Бадалов, Али Алиев ва бошқалар ҳам унинг изидан бордилар. Таниқли Ҳафиз Ғаниев 1958 йил Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Кейинчалик бу инсон завод касаба уюшма қўмитасига етакчилик қилди. Орадан кўп ўтмай унинг издошлари Саид Нуриддинов, Асад Эргашевлар Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишди.

70 йиллар бошида корхонани кенгайтириш ва тубдан таъмирлашга доир улкан дастурни амалга ошириш учун бошланган сафарбарлик ўзбек металлурглари тарихида янги даврни очди. Мана шу вақтда корхонага раҳбарлик қилган Иброҳим Муҳаммедов хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. 28 йил директорлик вазифасида ишлаган иродали ва жасур бу инсонни адолатли ва талабчанлиги, инсонпарварлиги учун жамоа аъзолари ҳамон ёркин хотиралар билан эслаб юришади.

Унинг бошчилигида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи улкан иншоот қурилиши қисқа муддатда тугалланди. Ҳозирги пайтда И.Муҳаммедов номи билан аталувчи маданият саройи ишга тушди. Кўплаб турар жой бинолари қурилди. Тиббий даволаш мажмуи кенгайди. Ундан сўнг корхонага Ш.Хайруллаев, Р.Юсупов, М.Овсюк, А.Анохинлар раҳбарлик қилишди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, корхона олдида бозор иқтисодиёти шароитларига кўникиш ҳамда унинг имтиёзларидан фойдаланишдек вазифа турарди. Ҳозир ҳам мазкур корхонада худди шундай жараён кетмоқда. Айнан шу ўринда республикамиз Президенти И.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтмоқчимиз: «Ўзбекистоннинг келажаги буюклигини исботлаш учун ҳамма асослар бор. Энг асосийси, ушбу заминда меҳнатсевар, ижодкор халқ яшайди. Бекободлик металлурглар ҳам ана шундай юксак баҳога муносибдир».

* * *

Республикамиз раҳбариятининг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсати, раҳнамолиги, ҳукуматимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, шунингдек, корхона раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитасининг аниқ дастур асосида иш олиб бораётганлиги туфайли металлурглар жамоаси қисқа муддатда яна эл оғзига тушди. Бозор иқтисодиёти синовларига дош бериб, бир маромда фаолият кўрсата бошлади. Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, уларга кўнгилдагидек иш, дам олиш шароитларини яратиб бериш, меҳнат муҳофазасини яхшилаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди.

*(Давоми 2-бетда)*

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси вакиллари шу йил 4-17 июнь кунлари Грециянинг Пирея шаҳрида ўтган Жаҳон халқлари фестивалида муваффақиятли иштирок этди.

Жамғарма раҳбарияти фестиваль учун ўзбек халқ фольклори, қўшиқ ва рақслар, қўғирчоқбозлик, масхарабозлик, дорбозлик ва кураш санъатини, шунингдек, халқ ҳунармандчилиги намуналарини намойиш этувчи махсус дастур тайёрлаган эди. Бунда жамғарма қошидаги «Мерос» дастаси мисолида иқтидорли ёш ижрочи ва ҳунармандлар иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

## САНЪАТИМИЗ ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимиз вакилларининг Пирея шаҳрида ташкил этилган ҳунармандчилик кўргазмаси, миллий санъатимизнинг жозибали намуналаридан иборат қўшиқ ва рақслари, томоша дастурлари фестиваль иштирокчиларига ғоят манзур бўлди. Юздан ортиқ мамлакат ансамбллари орасида айнан «Мерос» дастаси энг яхши ансамбль деб эътироф этилгани ҳам бунинг далилидир.

«Олтин мерос» жамғармаси ижрочи директори Насибахон Усмонованинг айтишича, жамғарма фестиваль ташкилотчиларидан бири - ЮНЕСКОнинг махсус дипломи ва олтин медали билан ҳам тақдирланган.

**(ЎзА)**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

***Болаларнинг ёзги дам олишини таъминлаш ва соғломлаштириш юксак масъулият. Жойларда бу борадаги ишларнинг тўғри ташкил этилгани ёш авлоднинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришига имкон бермоқда. Бироқ...***

# КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

«Ваъданинг чеки борми?» сарлавҳаси остида газетамизнинг шу йил 25 май сонида чоп этилган мақолада Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани тасарруфида жойлашган қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли «Дўстлик» болалар оромгоҳини ёзги мавсумга тайёрлаш ишлари суст олиб борилаётганлиги ҳақида фикр билдирилганди. Жумладан, унда 300 нафар болани дам олдиришга мўлжалланган оромгоҳнинг қурилганига 30 йилдан ошганлиги, ўз муддатини ўтаб бўлган ошхона жиҳозлари, стол-стуллардан ҳамон фойдаланилаётгани ва қайноқ сув учун керакли идишлар олинмасдан – ётоқхоналардаги электр симлари очиқ ҳолда турганлиги ташвиш туғдириши тайин эканидан таъкидланганди.

Таҳририят Қашқадарё вилояти ҳокимлигидан ана шу мақола чоп этилгандан сўнг кўрилган чора-тадбирлар юзасидан жавоб хати олди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Ваъданинг чеки борми?» сарлавҳали мақола тасаррруфида болалар оромгоҳлари бўлган ташкилот, корхона, хўжалик раҳбарлари ва ушбу дам олиш масканлари бошлиқлари иштирокида ўтказилган йиғилишда кўриб чиқилди. Қайд этилган камчиликлар таҳлил қилиниб, мутасадди раҳбарларга кўрсатиб ўтилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида оромгоҳ фаолиятидаги аксарият нуқсонлар бартараф этилди, ошхона жиҳозлари, эскириб қолган стол-стулларни мавсум давомида янгилашни Китоб тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раҳбарияти ўз зиммасига олди».

**Ш.НАЗАРОВ,**
**Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари**

***Вазирлар Маҳкамасининг деҳқон-фермер хўжаликларини янада мустаҳкамлаш, республикада тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори аҳоли ўртасида тадбиркорлик ва фермерликка бўлган қизиқишни янада орттириб юборди.***

***Ҳалол меҳнат қилиб, рўзғор тебратишга нима етсин. Инсон борки, имкониятлардан унумли фойдалансам, дея ният қилади. Аммо беш панжа баравар эмас. Баъзи мутасаддилар бу хайрли ишнинг рўёбга чиқишида кўмак бериш ўрнига уларнинг сарсон-саргардон бўлишларига сабабчи бўлишмоқда.***

# ЎРТАДА САРСОН ФЕРМЕР

Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтказилган текширишда аниқланишича, «Марианна» фермер хўжалиги Урганч туман ҳокимининг 1995 йил 20 сентябрдаги қарорига асосан 5 гектар ер майдони олиб иш фаолиятини бошлаган. Фермер хўжалиги билан Урганч тумани «Дўрман» ширкат хўжалиги ўртасида 2001 йил 1 февралда «Ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш» бўйича шартнома тузилган. Ота-боболаримиздан қолган удум бор: бир ишни бошладингми, охирига етказ. Шунга риоя қилган фермер хўжалиги қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатиб, давлат солиқларини ҳам ўз вақтида тўлаб келган. 2002 йилда фермер хўжалиги эккан ғўза ниҳолларининг аксарият қисми кучли ёмғир натижасида нобуд бўлганлиги сабабли, ерлар бўш қолмаслиги учун кунгабоқар экилади. Фермер хўжалиги раҳбари бу ҳолатни далолатнома орқали расмийлаштириш учун бир неча маротаба ширкат хўжалигига мурожаат қилишига қарамай хўжалик ходимларини топиш имкони бўлмайди ва оқибати маълум.

Урганч туман ҳокими томонидан 2002 йил 9 сентябр куни 781-сонли қарор қабул қилиниб, мазкур қарорга асосан «Марианна» фермер хўжалигига ижарага ажратилган 5 гектар ер майдонидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганлиги учун ер «Дўрмон» ширкат хўжалигига қайтариб берилсин, деб кўрсатма берилади. Лекин ҳеч ким мазкур қарор Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун талабларига зид эканлигини ўйламайди ҳам.

Чунки Қонуннинг 32-моддаси 4-бандида ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, олинган ҳосилдорлик норматив кадастр баҳосидан муттасил уч йил мобайнида паст эканлигигина фермер хўжаликни тугатишга асос бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Аммо фермер хўжалиги томонидан бундай ҳолат содир этилмаган. Шунингдек, Урганч туман ҳокимлиги томонидан фермер хўжаликни тугатиш тўғрисидаги қарор фермерга маълум қилинмаган ҳолда қабул қилинган.

Айтиш жоизки, фермер хўжалиги билан «Дўрмон» ширкат хўжалиги ўртасида тузилган шартнома шартларига кўра ер майдони 10 йил муддатга, яъни 2006 йил апрел ойига қадар берилганлиги аниқ-равшан ёзиб қўйилган.

2003 йилнинг июн ойидаги даъво аризасидаги ҳолатни атрофлича ўрганиб чиққан вилоят адлия бошқармаси Урганч туман ҳокимининг 2002 йил 9-сентябрдаги 781-сонли қарорининг 4-қисмини ғайриқонуний деб топиб, қарорнинг «Марианна» фермер хўжалиги ҳисобидаги ерни «Дўрмон» ширкат хўжалигига қайтариш ва Урганч туман ҳокимининг 1996 йил 25-апрелдаги 688-сонли қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақидаги қисмини бекор қилишни сўрайди.

Яна бир мисол. Шовот тумани «Махтумқули» ширкат хўжалигидан фермер Х.Жуманиёзов бошқарув раиси номига 2002 йил 14 декабрда қўшимча 5 гектар ер ажратиб беришни илтимос қилиб ариза берган. Ширкат хўжалигининг 2003 йил 23 февралдаги умумий вакиллар йиғилишида 75 нафар фуқаронинг фермер хўжалиги ташкил қилиш тўғрисидаги аризаси, шу жумладан, Х.Жуманиёзовнинг ҳам аризаси кўриб чиқилиб, шундан 14 нафар фуқарога фермер хўжалиги ташкил қилишга рухсат этилиб, қарор қабул қилинган. Қолган фуқароларнинг аризалари оқибатсиз қолдирилган ва бунинг сабаблари асослантирилмаган, ёзма равишда қайд қилинмаган.

Талаби қондирилмаган фермер Х.Жуманиёзов 2003 йил 13 август куни ширкат хўжалиги бошқаруви номига фермер хўжалигини кенгайтириш тўғрисида қайта ариза беради. Унинг аризасига жавобан «аризангизда кўрсатилган жойдаги ер 2003 йилнинг якунида бўладиган умумий йиғилиш қарорига асосан бериладди», деган мазмунда билдириш хати тақдим этилади. Бундан кўриниб турибдики, узоқ муддатли давр мобайнида фермернинг аризасига хўжалик раҳбарлари томонидан лоқайдлик билан қараб келиниб, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Республикамиз Қонуни талаблари бузилган. Ва охир-оқибатда фермер аризабозга айланиб, эшикма-эшик чопиб юришга мажбур бўлган. Нажот истаб вилоят адлия бошқармасига мурожаат этган.

Ҳар қандай битим ҳалолликни тақозо этади. Шундай қилиб, Ҳазорасп туманидаги «Обод» ширкат хўжалигида яшовчи Ж.Мадримов 2001 йил 6 март куни ширкат хўжалиги билан тузилган шартномага асосан 8 миллион 500 минг сўмлик трактор эҳтиёт қисмларини етказиб беришга келишиб олишган. Шартнома шартлари тадбиркор томонидан тўлиқ бажарилишига қарамай «Обод» ширкат хўжалиги маҳсулотнинг 6 миллион 631 минг сўмини ўтказиб бериб, қолган 2 миллион 11 минг 700 сўмга қарздор бўлиб қолган.

*Масала кўндаланг қўйилади*

Бу борада текширув ишлари олиб борилганида ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси И.Мадримов даъвогарнинг даъвоси ҳақиқатдан тўғри бўлиб, хўжаликнинг иқтисодий аҳволи яхши эмаслиги сабабли қарзларини тўлай олмаётганини айтиш билан чекланган.

Аслида Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги 1998 йил 29 августдаги Қонуннинг 32-моддасига кўра буюртмачи,пудратчи ўзи тўлашни рад этган, бош тортган ёки пайсалга солган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлашлиги кўрсатилган ва шу модданинг 2-қисмида буюртмачи кечиктирилган ҳар бир кун учун, кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, яъни кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда устама тўлашлиги кўрсатилган.

Шунга асосан Ҳазорасп туманидаги «Обод» ширкат хўжалиги якка тадбиркор Ж.Мадримов фойдасига олгидор қарз суммасининг 15 фоизи ҳамда тўлов муддатининг кечиктирилганлиги натижасида олгидор қарз суммасининг 50 фоизидан ошганлиги сабабли қарз пулининг тенг ярми, яъни 1.059.350 сўм устама тўлаши лозимлиги айтилган.

Бир йил мобайнида қарз пулларини ундиролмаган тадбиркор охир-оқибат асаблари таранглашиб, соғлиғини йўқотишгача бориб етган. Натижада 50.000 сўм миқдорида маънавий зарар кўрган. Адлия бошқармаси ушбу суммани «Обод» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси И. Мадримовдан ундиришни мақсадга мувофиқ деб топди.

Далиллардан кўриниб турибдики, жойларда тадбиркор, деҳқон ва фермерлар фаолиятига беписандлик ҳамон кўзга ташланиб турибди. Бундай ҳолат ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодий равнақига катта таъсир этиши турган гап.

**Ғафуржон СОБИРОВ,**
**биринчи даражали адлия маслаҳатчиси**



# ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Айниқса, меҳнаткашларнинг ҳамда уларнинг оила аъзоларини саломатликларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Комбинат қошидаги санаторий-профилакторий, дам олиш уйларига бепул йўлланмалар берилмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийларига, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам бериш корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитасининг доимий назоратида. «Металлург» стадиони ҳамда қайта жиҳозланган Маданият саройи спорт, санъат ихлосмандлари билан гавжум. Айни пайтда Маданият масканида 8 хил тўгарак ишлаб турибди. Улар сонини яқин кунларда 15 тага етказиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Китоб заҳираси 1800 та бўлган кутубхона ҳам меҳнаткашлар хизматида.

– Жорий йилни «Меҳр ва мурувват йили» деб аталиши бизга катта масъулият юклади, - дейди комбинат касаба уюшма қўмитасининг раиси Илҳом Қурбонов. – Шу боисдан ҳам ўз дастуримизни туздик. Унга асосан Бўка туманидаги болалар уйи тарбияланувчиларига, фахрийларимизга, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатаяпмиз. Айни вақтда ишчи-хизматчиларимизнинг ўртача ойлик маоши 130 минг сўм атрофида.

Дарҳақиқат, йил бошида меҳнаткашларнинг фарзандларига 40 миллион сўмликдан зиёд совға-салом тарқатилди. Бундан ташқари, Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон маҳалласида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларни йиғиб, тадбир ўтказилди. Касаба уюшма қўмитаси томонидан боқувчисини йўқотган оилаларга 89 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 228 минг сўмлик кийим-кечак тарқатилди.

Шунингдек, корхонада ишлаб янги турмуш қураётган ёшларга энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида ёрдам пули берилмоқда. Ҳар йили Паркент туманидаги «Орзу» болалар оромгоҳида 1500 нафар бола ҳордиқ чиқаришмоқда. Корхонада ёшларни ўқитиш ишларига ҳам аҳамият катта. Айни вақтда Тошкентдаги олий ўқув юртларида 138, Москвада 12 нафар талаба корхона ҳисобидан билим олишмоқда.

Меҳнат муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор беріляпти. Шу йилнинг ўзида махсус кийим-бош ҳамда пойафзал, шахсий ҳимоя воситалари учун 308 миллион сўм сарфланганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Яна бир қувончли хабар. Яқинда 30 квартирали уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилди. Яна 60 квартирали уй қурилиши давом этмоқда.

Табиийки, меҳнаткашларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмоқда. Бу ҳақда комбинат директори А.Фармонов шундай дейди:

– Жамоамиз ўз иқтисодини ривожлантиришнинг тўғри ва аниқ йўлида турибди. Тўрт йил давомида ишга туширилган янги қувватлар пўлат эритиш топшириғини бажарибгина қолмай, янги иш ўринларини яратиш имконини ҳам берди. Шу вақт мобайнида пўлат ишлаб чиқариш 110 минг тоннага кўпайди.

* * *

Қурилиш ишлари давом этмоқда. Ишлаб чиқариш қувватлари ортаяпти. Комбинатнинг тараққиёт дастурига кўра умумий қиймати 17 миллион АҚШ доллари бўлган хорижий кредитлар ва инвестиция маблағлари янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилади. Бу экспорт имкониятларини ҳам оширади. Шунингдек, саноат корхоналарини пайвандлаш электродлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун керак бўлган симлар билан таъминлаш имконини яратади. Калибрланган симлар ишлаб чиқариш цехини ташкил этиш эса республикамизда пахта тойини боғловчи симларга бўлган эҳтиёжни тўла-тўкис қондиради.



Ҳа, булар келажакда бажариладиган ишларнинг бир қисми холос. Буларни амалга оширишга корхона жамоаси қатъий ишонади. Шу боисдан ҳам улар айни кунда келажакка ишонч билан қарашмоқда.

**Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири**

---

*Истиқлол берган имкон*

# ИЗБОСКАНЛИК ЁШЛАР

## салоҳиятига Ҳиндистондаги Шанкар шаҳрининг мэри ҳам қойил қолди

Республика Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ёш авлодни юртга фидойи, чуқур билимдон, комил инсонлар қилиб вояга етказишда катта қадам бўлди. Шу боис Избоскан туманида ҳам мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ишларга асосан ҳомий ташкилотлар кенг жалб қилинмоқда.

... Мана бир неча кунки, тумандаги тасвирий санъат лицейида ҳаёт қайнайди. Реконструкциялаш ишлари қизғин бошланган. Тупроқ ишларини бажараётган грейдер, бульдозерчиларнинг наъраси бир зум тинмайди. Дарвозадан қурилиш материаллари ортилган машиналар гуриллаб пайдар-пай кириб-чиқмоқда. Туман раҳбарларининг катта-кичиги шу ерда ишбоши. Дошқозонларда ошлар дамланган. Яқин-йироқдаги маҳалладошлар лицей биносини таъмирлаш ҳашарида иштирок этмоқдалар.

Одилжон Аҳмедов бошлиқ 119-кўчма жамланма қурувчиларининг қўли-қўлига тегмайди. 250 ўринли ётоқхона биноси, тоза ичимлик суви, газ иншоотлари, марказий иситиш тизимини таъмирлаш қўлдан чиқарилмоқда. Ҳомийлардан «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Азимжон Деҳқонов туман архитектура ва қурилиш идораси мутахассислари билан юзма-юз юрибди. Қўлларида лицей ҳудудини ободонлаштириш бўйича чизмалар тархи. Раис қаерларда гулзорлар барпо этилади, қуриб қолган боғни сув билан яшнатиш, йўлакларни асфальтлаш, ўйингоҳларни инвентарлар билан жиҳозлаш ҳақида кенгашмоқда. Бу жабҳада ширкатдан келган ҳашарчилар енг шимариб ишламоқдалар. Фермер хўжалиги бошлиқларидан Валижон Раҳмонов ҳам шу ерда. Яна бир соатдан кейин нонушта бошланади.

Избоскандаги тасвирий санъат лицейи янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрган пешқадам таълим-тарбия даргоҳлари рўйхатида туради. Лицей санъат, ҳунар кошонасига айланган. Ариқлардаги сувлар жилдири, субҳи-содиқ елларида чайқалаётган гулзорлар мавжи, тахти-равон йўлакларига соя ташлаб турган яшил дарахтлар баргларининг ёқимли шивири, бахтли болаликдан эртак сўзлаётгандек... Ўйингоҳлар маҳалла болаларининг шодон қийқириқлари билан янада файзли.

Лицейда 12 та гуруҳга жамланган 300 нафардан зиёд талаба сўнгги қўнғироқ билан ёзги таътилга чиқди. Бу ерда ёғоч ўймакорлиги, рангтасвир, ганжкорлик, миниатюра санъати бўйича 8 та йўналишда касб-ҳунар эгаллайдилар.

Ўқув-тарбия ишларининг жаҳон андозаларига мувофиқлашуви, машғулотларда илғор педтехнологиянинг кенг қўлланиши, яратилган қулай шарт-шароит халқ амалий санъати дурдоналари билан талабаларни баҳраманд қилиш имконини туғдирмоқда. Эътиборлиси, избосканлик ёшларнинг истеъдодига халқаро жамиятлар қойил қолмоқдалар. Талабалардан Дилфуза Матбобоеванинг «Маҳаллада тўй» рангтасвири Японияда ўтказилган болалар асарлари халқаро кўргазмасида дунё назарига тушганини ким билмайди. Токио шаҳри мэрининг грантига сазовор бўлган Дилфузани Президентимиз эсдалик совғаси билан қутлаганини бугун бутун Ўзбекистон аҳли билади. Ҳусанбой Носиров номи эндиликда ҳинд диёрига таниш. Унинг ёғочга ўйиб ишлаган асари 2003 йили халқ амалий санъати ихлосмандларининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Юртдошимиз халқаро болалар асарлари кўргазмасида ғолиб чиқиб, кумуш медал соҳиби бўлди. Шу муносабат билан Шанкар шаҳар мэри ўзбек фарзандини қутлаб табрик мактуби йўллади. Улуғбек Тожибоев республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати уюштирган «Миср – болалар нигоҳида» танлови совриндори бўлди. Талабанинг эҳромлар мамлакатига бағишлаб яратган ишланмаси мисрликларни мафтун этди. Ёш санъат ихлосманди халқлар дўстлиги ғояларининг тарғиботчиси сифатида Нил бўйларига сайёҳлик йўлланмаси билан мукофотланди.

Бугунгача мавжуд 57 та умумтаълим мактаблари, 51 та болалар боғчаси, 2 та лицей, 1 та гимназиянинг Фармондан келиб чиққан ҳолда паспортлари тузилди. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида белгиланганидек, капитал реконструкциялаш ва таъмирлашнинг мақсадли йўналиши ишлаб чиқилган. Ҳокимлик илмгоҳларни қайта тиклаш, ўқув лабораторияларини ускуналар, синфхоналарини компьютер техникаси билан жиҳозлаш имтиёзли шартларда хорижий ҳомийлар ёрдамидан фойдаланишни режалаштирмоқда. 14-,35-мактабларнинг ёшлари янги ўқув йилидан бошлаб масофадан туриб ўқитиш усулига ўтадилар. Ҳозирги кунда бу мактабларда Япониянинг беғараз ёрдами билан компьютер ва бошқа замонавий ўқитиш ускуналари ўрнатиляпти.

28-мактаб, 43-,46- болалар боғчаларида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Избосканлик маорифчиларнинг жаҳон халқ таълими тизими билан ҳамкорлиги кучаймоқда. Масалан, ўзим Филиппинда бўлиб, ҳамкасбларим билан тажриба алмашиб қайтдим.

**Жаннатхон ШЕРҒОЗИЕВА, Избоскан туманидаги 20-мактаб мураббийси**

---

*Ижтимоий ҳимоя*

# БАХТ УЧУН ЯРАЛГАН ИНСОН

***Ўзини ҳурмат қилган инсон, буюк аждодлари билан фахрланган миллат борки, қадимдан кексалар ҳурматини, ёшлар иззатини ўрнига қўйиб келган. Якка-ёлғиз, ёрдамга муҳтожлардан меҳрини, мурувватини аямаган, етимлар, ногиронларни ўз ҳолига ташлаб қўймаган. Инчунун, ўзбекнинг ҳеч бир маъракаси, тўйи маҳалладошлар, дўсту ёронлар аралашувисиз, кўмагисиз ўтмайди. Қисқаси, бизда азал-азалдан қарор топган ушбу фазилат – меҳр-оқибат шундай кунда билинади: кўпчиликнинг беминнат ёрдами билан кам таъминланган оиланинг йиғини ҳам кўнгилдагидек ўтади.***

Туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан бу борада белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида адо этилишига эришилаётир. Масалан, туманимиздаги 13400 нафардан зиёд пенсия олувчининг пуллари ҳар ойнинг йигирма бешинчи кунигача эгаларига тарқатилмоқда. Шунингдек, боқувчисини йўқотган ва ногиронларни моддий ёрдам ва нафақа пуллари билан вақтида таъминлашга эришилмоқда. Жумладан, 1036 нафар боқувчисини йўқотган ҳамда 462 нафар 16 ёшгача ногиронларга 16 миллион 430 минг сўмга яқин маблағни ҳар ойнинг дастлабки кунларидаёқ етказиб беряпмиз.

Қариялар ҳамда ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, соғлиғини яхшилаш борасидаги ишлар ҳам қатъий режа асосида амалга оширилмоқда. Имтиёзлардан фойдаланувчилар рўйхати туман марказий дорихонасига, давлат солиқ инспекцияси ва тиш даволаш поликлиникасига мунтазам етказиб бериляпти. Улар имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишлари учун ҳамма шароит яратилган. Масалан, йил бошидан буён 4 мингдан ошиқ пенсионер ва ногирон диспансер кўригидан ўтказилиб, тиббий муолажа, зарур ҳолатлар аниқланди.

Шу ўринда, ҳомийлар ва саховатли инсонларнинг ёрдамга муҳтожларга кўрсатаётган ғамхўрлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Яқинда 34 нафар ўзгалар парваришига қарам ёлғиз кексалар ҳамда 20 нафар васийликка олинган етим болаларга «Инъом» қаҳвахонасида дастурхон ёзилди. Ўша куни уларга 200 минг сўмлик кийим-кечак, дори-дармон тарқатилди. Тадбирга кела олмаганларнинг уйларига ходимларимиз элтиб беришди.

Бундай савобли тадбирлар ҳар бир хўжалик, корхонада тез-тез ўтказиб турилибди. Жумладан, Навоий номли ширкат хўжалигида шундай мақсадлар учун қарийб 565 минг, «Гулзоробод»да эса 450 минг сўмлик маблағ сарфланди. Кабел корхонаси жамоаси эса кам таъминланганларга 75 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Инсон учун ҳаётда саломатликдан ортиқ бойлик йўқ. Шуни эътиборда тутиб, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар навбати билан сиҳатгоҳларда соғлиқларини тиклашяпти. Беш ойда 18 нафар фахрий «Товоқсой», «Олтиариқ», «Косонсой» сиҳатгоҳларида кўнгилдагидек дам олиб қайтишди. Болаликдан ногиронларнинг икки нафари эса махсус аравача билан таъминланди.

Болаларни халқаро ҳимоя қилиш куни муносабати билан саккизинчи июнда яна бир тадбир ўтказдик. 14 ёшгача бўлган 400 нафар ўғил-қизларни бир пиёла чойга таклиф этиб АҚШнинг «Самарисиян-терст» корхонаси томонидан олиб келинган совға-саломлар эгаларига топширилди.

Ижтимоий таъминот соҳаси ходимлари учун меҳрга ташна қалблар кўнглини овлаш, улар чеҳрасида табассум кўриш, миннатдорчилик эшитиш энг катта мукофотдир. Зотан, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Николай Головин, кўп болали она Бозоргул Сапарова ва ёлғиз яшовчи Сайдулла Маҳмудовларнинг юракдан айтган ташаккурлари, илиқ сўзлари келгуси ишларимизда бизга қувват бағишлайди.

**Фарҳод АЗИМЖОНОВ, Чиноз туман ижтимоий таъминот бўлими мудири**

---

***«Ўзстандарт» агентлигининг Штрихли кодлаш маркази томонидан тезкорликни таъминлаш, сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида агентликнинг ҳудудий сертификациялаш марказлари ҳузурида маслаҳат пунктлари ташкил этилди.***

# МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ БЕЛГИСИ

Бундай кодлар товар айланмасини тезлаштириши баробарида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг мукаммал воситаси ҳам ҳисобланади.

- Барча замонавий алоқа воситалари билан таъминланган ушбу пунктларда махсус билимга эга, тажрибали мутахассислар фаолият кўрсатмоқда, - дейди марказ раҳбари Марат Собиров ЎзА мухбирига. - Бу борада айниқса, мамлакатимизда яқинда қабул қилинган «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши штрихли код асл нусха макетларини олиш ва уларнинг товар этикеткаларида босилиш сифатини аниқлашни янада соддалаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Марказ айни пайтда товарларнинг етти мингдан ортиқ штрихли кодини давлат реестрига киритган.

---

*Касаба уюшма фаоллари ҳақида ҳикоялар*

# МУНАВВАР ТОНГ



***Саодатнинг кундалик юмушлари кўп. У Пахтакор туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмита раиси сифатида иш вақтининг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Буни у устози, касаба уюшмаларида кўп йиллар самарали ишлаган Зоя опа Аҳмедовадан ўрганган.***

Бугун ҳам Саодат кунлик иш режасига кўра Пахтакор шаҳридаги «Жиззах пахта тола базаси» идорасида бўлиб, ишчи-хизматчиларига яратилаётган шароитлар билан яқиндан танишди. Ўзининг фикр-мулоҳазаларини бошланғич касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият раҳбарига етказди. Айниқса, меҳнат муҳофазаси бўйича билдирилган эътирозни раҳбарият тўғри қабул қилиб, аҳволни ўнглашга ваъда берди...

Қўмита раисининг бошланғич ташкилотларда тез-тез бўлиб, маъмурият раҳбарлари билан бевосита жонли мулоқот ўтказиб бориши ўз самарасини бераётир. Натижада туман қишлоқ хўжалик тармоғида меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги бўйича жиддий ўнгланишлар юз бермоқда.

– Туманимизда 900 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда, – дейди С.Юсупова. – Уларда 8 минг нафардан ортиқ касаба уюшма аъзолари ишлайди. Уларни жамоа шартномаси орқали ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш асосий вазифамиз.

Туманда маданий, спорт тадбирлари тез-тез ўтказиб турилибди. Яқинда А.Икромов номли хўжаликда бўлиб ўтган спорт байрами кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Унда қишлоқ полвонлари ўзаро беллашдилар.

Хулоса қилиб айтганда, фаолларга таяниб иш олиб бориш яхши самара беряпти. Саодатнинг эса 9 нафар қўмита аъзолари, 11 нафар бошланғич касаба уюшма қўмитаси етакчиларига таяниб ишлаётгани муваффақиятлар омили бўлаётир.

**А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири**

---

Чуст туман «Халқ банки» да аҳоли омонатларини банкка жалб этиш юзасидан муҳим қадамлар қўйилди. Туманда «Вестерн Юнион» шохобчасининг ўтган ойда ишга туширилиши бир ойда 30 минг АҚШ доллари миқдорида пул ўтказмаларини амалга ошириш имконини берди. Иккинчидан бу қулайлик аҳолини пул жўнатмалари учун олис шаҳарлардаги банкларга қатнаш ташвишидан қутқарди.

## МИЖОЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

Фақат бугина эмас. Хизмат сифати ва самарадорлигининг яхшилангани банкнинг аҳоли, корхона, ташкилотлар билан алоқасини мустаҳкамлайди, – дейди банк бошқарувчиси Баҳодир Жўраев. – Қисқа фурсат ичида мижозлар сони 280 дан 360 нафарга кўпайди, ўз навбатида пул тушуми 1,5 баробарга ошди.

Банк даромадларининг ошишида тадбиркор ва ишбилармонлар билан ўрнатилган яқин ва ишончли ҳамкорлик муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, «Ҳордиқ» ва «Мираҳмад ота» ошхонасидан тушаётган кунлик тушум 100-120 минг сўмни ташкил этаётир.

Банк маблағларининг ошиши ҳисобига чорвачилик, балиқчилик ва деҳқончилик билан шуғулланадиганларга микрокредитлар ажратилди. Жумладан, «Зар» фермер хўжалигига балиқчилик ҳавзаси ташкил этиш учун 1 миллион сўм кредит ажратилган бўлса, якка тадбиркор Улуғбек Ибрагимов 3 миллион сўмлик банк ёрдами билан чорвачиликни ривожлантириш имконига эга бўлди. Шунингдек, автокредитлар учун 7 миллион сўмлик банк маблағи жалб этилди.

**Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири**

---

*Нуқтаи назар*

# МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ

## у қандай ўтади?

Бугунги кунда «Хоразмавтойўл» йўл қурилиши хусусий шуъба ташкилоти касаба уюшма қўмитаси 1770 нафар аъзосига эга. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида имзоланган жамоа шартномаси асосида ишчи-хизматчиларга 17 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди.

Ташкилотга Икром Зарипов раислик қилади. «Касаба уюшма аъзоларини ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади. Ойлик маошларнинг ҳам вақтида берилишини таъминлаяпмиз» – дейди у.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида қўмита томонидан боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, кўп болали оилаларга 100 минг сўм ёрдам пули берилди. Жами ишчи-хизматчилар ижтимоий муҳофазасига эса 2,5 миллион сўм сарфланди. Жамоа шартномалари шартига кўра ходимларнинг тўй ва маъракаларида бир ойлик миқдорида ёрдам бериб борилди ҳамда бепул транспорт хизмати кўрсатилди.

Корхона асосан йўл қурилиши билан шуғулланади. Шу сабабли ишчилар кўпчилик ҳолларда турли ҳудудларда юришларига тўғри келади. Шуни эътиборга олиб жамоа шартномасида кўчма иш учун қўшимча 20 фоиз миқдорида ҳақ тўлаб бориш кўзда тутилган ва бу амалда тўлиқ қўлланилмоқда.

Бу ерда ходимга туғилган куни муносабати билан бир ойлик маош миқдорида мукофотлаш одат тусига кирган.

Жамоада фахрийларни ва байналмилалчи жангчиларнинг меҳнат таътилига 3 кун қўшиб берилади. Ўтган йил 12 нафар, бу йилнинг биринчи чорагида эса 3 нафар фахрийга бепул йўлланмалар берилди.

Корхонада ҳар бир ишчи-хизматчига кунига 850 сўмдан овқат пули берилади. Янги йил, 8-Март, Наврўз байрамларида дастурхон ёзилиб, ош тарқатилди. Кўпчилик моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Ўтган йил ходимларнинг сиҳатгоҳларда бепул даволаниб келишларига 1,5 миллион сўм пул сарфланди. Жорий йил бу рақам янада салмоқлироқ бўлиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Наврўз байрами муносабати билан «Ўзавтойўл» концерни томонидан 4 нафар ишчига «Йўл хўжалиги меҳнат фахрийси» гувоҳномаси берилди. Буларнинг орасида Ҳазорасп туман йўл хўжалиги ходими Ромон Матчонов, Хива тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси директори Фарҳод Жабборовлар бор.

Бу йилги жамоа шартномасида ёш оилаларга имтиёзлар ҳам кўзда тутилган. Бу муҳим ҳужжат орқали ишчи-хизматчиларга берилаётган ижтимоий имтиёзлар ҳар бир ходимнинг аъзолик бадалига нисбатан 30 баробарга кўпдир.

**Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

---

*Орамиздаги одамлар*



# ЧИЛАНГАР

Мамадали Убайдуллаев қарийб 40 йилдан буён чилангарлик касбини эъзозлаб келади. Уни нафақат «Наврўз» қишлоғида, балки Нишон туманида ҳамма ҳурмат қилади. Негаки, Мамадали акани истаган пайтда Наврўз муқобил машина-трактор паркининг устахонасидан топиш мумкин.

– Уста Мамадали Убайдуллаевнинг меҳнати жамоамиз ходимлари учун нақадар юксак, – дейди муқобил машина-трактор парки раҳбари Жуманазар Ҳуррамов. – Техника – деҳқон қаноти ҳисобланган айни кунларда Мамадали Убайдуллаевни энг яқин кўмакчимиз сифатида тан оламиз.

Дарвоқе, устанинг шогирдлари анчагина. Яқинда жамоадошлари уни иззат-икром билан нафақага кузатиб, совға-саломлар улашишди. Унинг ишини ўғли Отабек давом эттиряпти. Халқимизда «От изини той босар», деган буюк ҳикмат қанчалик ҳақиқатга айланганлигини шундан ҳам билса бўлади.

Мамадали аканинг Юсуф Салаев, Азиз Давлатов, Ойтугон Чамбилов сингари шогирдлари устозлари ҳақида жуда илиқ гапларни айтишди. Каттаю кичикни, бирдек ҳурмат қилиб, эътиборга сазовор бўлган чилангар Мамадали Убайдуллаевга бунданда ортиқ бахт бўлмаса керак.

**Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири**

